





Сўз — халқаро кузатувчиларга

# Ватан тақдирига дахлдорликнинг амалдаги ифодаси

Мун ХА-ЁНГ, Корея Республикаси Йонсей университети профессори:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кулпартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтгани — мамлакатнинг демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши ва сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир. Шу боис сайлов ошқора, адолатли ва соғлом рақобат асосида ўтди, деб айтиш учун тўла асос бор.

Президентликка номзодларнинг дастурлари ўзига ҳослига, кўплаб йўналишлари ўзидан муассасам эгани билан эътиборга молик. Президентликка номзодларнинг дастурлари ўзига ҳослига, кўплаб йўналишлари ўзидан муассасам эгани билан эътиборга молик.

Зидент сайловида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодларнинг, жумладан, аёл кишининг ҳам иштирок этгани сайловчидаги танлаш ҳамда тақослаш имкониятини янада оширди.

Эшлар ҳар бир давлатнинг келажига ҳисобланади. Юртингизда билимли, ишқорли ёшлар кўп. Улар ўз қизиқишларига кўра, ҳар бир воқеага мустақил, эркин фикр билдира оладилар. Улар халқ тақдирини ватан келажига бафрак эмаслар. Бунга сайлов жараёни-

да яна бир бор амин бўлдим. Талабалар шаҳарчасидаги 218-сайлов участкасида соат 13.00 га яқин келганимизда сайловчиларнинг 85 фоизи овоз бериб бўлган эди.

Изчил ислохотлар самарасида юртингиз катта муваффақиятларга эришмоқда. Мамлакатда демократия тамойилларига амал қилинаётгани ва жадал иқтисодий юксалиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда амалда оширилаётган бундай юксалишга ҳавас қилса арзийди.

— Мен сайлов кунини пойтахтингиздаги бир неча сайлов участкасини бориб кўрдим ва барчасида сайловчилар учун зарур шароит яратилганига гувоҳ бўлдим.

Сайлов жараёнида барча сайловчиларга ҳеч қандай таъзия қўлмади. Барча ўз фуқаролик бурчини эмин-эркин адо этди. Тадбир кўлпартиявийлик асосида ўтгани рақобат муҳитини кучайтирди. Сайлов жараёни изчил, тартибли, миллий ва халқаро андозалар асосида ўтди.

Айтиш жоизки, кўплаб мамлакатларда сайловларга четдан кузатувчилар таклиф этилмайди. Ўзбекистонда эса уч юзга яқин хорижий кузатувчи Президент сайловини кузатиб борди. Бизга бу борадаги фаолиятни амалга оширишимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Буларнинг барчаси сайлов демократик, очкичлик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтганининг тасдиғидир.

Айтиш жоизки, кўплаб мамлакатларда сайловларга четдан кузатувчилар таклиф этилмайди. Ўзбекистонда эса уч юзга яқин хорижий кузатувчи Президент сайловини кузатиб борди. Бизга бу борадаги фаолиятни амалга оширишимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Буларнинг барчаси сайлов демократик, очкичлик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтганининг тасдиғидир.

**ЎА мухбири Сайёра ШОЕВА, Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олдилар.**

# Хайрихоҳларга янада яқинроқ бўлайлик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу тадбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Боймурод Юсупов, Абдуманноп Раҳимов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Александр Мелкумов, Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти Маргарита Аҳмедбекова, Тошкент давлат молия институти кафедра мудир, фалсафа фанлари доктори Нормурод Маматов, Тошкент давлат юридик институти доценти Игорь Кудрявцев, Ўзбекистон Миллий университети «Сибстатуснослик» кафедраси катта ўқитувчиси Тадиқул Норов, «Кафолат-ҳимоя» юридик маслаҳатхонаси раҳбари Исмоил Қайюмов маърузалар билан чиқдилар. Улар сиёсий партиялар учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилганига жавобан УЎХДП ҳар бир ташкилоти ўз фаолиятини қайта қўриб чиқиши, янги шароитларга мос иш услуби ва шакллари қўллаш лозимлигини айтиб ўтдилар. 2008 йил 1 январдан Конституциявий Қонуннинг тўлиқ ҳаётга татбиқ этилиши партияимиздан кундалик ҳаётга чуқурроқ кириб бориш, электорат манфаатини ифода этишнинг йўл-йўриқлари устида кўпроқ бош қотиришни тақозо этаётганига эътибор қаратдилар. Бунинг учун бошланғич партия ташкилотларининг ижтимоий-сиёсий таъбирлигини ошириш, партия ишини шу куннинг долзарб вазифалари билан узвий боғлаб олиб бориш кераклиги ҳақида алоҳида айтиб ўтилди.

Семинарлар интерактив шаклда ташкил этилган сабабли уларда партия фаоллари эркин фикр алмашиб ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Сўзга чиққанлар, шунингдек, туман кенгашилари Жамоатчилик қабулхоналаридаги мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиб, электоратимиз оғирини енгил қилишга ҳисса қўлиши, «Фол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанталари ўтказётган турли тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш, уларни электоратимиз талаб-эҳтиёжлари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор бериш ҳақида тўхталдилар.

**Баҳодир ВАҲОБОВ**

Муносабат

Мустабид тузум даврида собиқ иттифоқ таркибига кирувчи республикалар қатори бизнинг мамлакатимиз қонунчилигида ҳам кўпгина жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган. Аниқроғи, Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда мамлакатимиз ҳудудида амал қилган Жиноят кодексининг 33 та моддасида ўлим жазоси мавжуд эди. Бу жазо тури ўша эски тоталитар тузум ҳукмиронлиги таъсирида, жамиятни зўравонлик билан бошқариш механизми сифатида кириб келгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг натижасида юзлаб, минглаб ватандош жигарбандларимиз ноҳақ қатл этилди.

# Эзгуликка қўйилган тамал тоши

Ўтган асрнинг 30-йиллари қатағонини бир ёдга олинг. Ахир мана шу қатағоннинг қонли машинаси ишга тушган йилларда қаҳри қаттиқ ҳўкўлар натижасида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби юзлаб эл фарзандларининг жони сабил бўлмади.

Хали ўша машўм йилларнинг совуқ изгиринлари халқимиз юрагидан ўчиб улгурмасдан, инсон қадр-қиммати таҳқирлашнинг яна бир йўли топилди. Ўзбек халқи бошига «пахта иши», деган мудҳиш қўнлар балоси ёғилди. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда ГДЛян ва Иванов раҳбарлигида ташланган, уриш, қийноққа солиш, қўрқитиш, руҳий таъсир ўтказиш, оила-аъзоларини гаровга олиш ва бошқа усуллари асосий қўрол қилиб олган «десантчилар ҳам қанчадан-қанча юртдошимизнинг бошига кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган баболарни солди.

Биргина мисол, СССР Олий суди томонидан 1986 йилда Ўзбекистон Республикаси Пахта тозалаш сановати вазири Ваҳобжон Усмонов таққилланган тергов услублари орқали гувоҳлардан олган «қўрсатмалар» асосида жуда кўп миқдорда пора олганлиги учун ноҳақ ўлим жазосига ҳўкў қилинган ва суд ҳўкми ижро этилган.

Бинобарин, инсон ҳаёти — бу яшаш учун берилган энг олий неъмат. Бу неъматга хиёнат қилиш инсониятга хиёнат қилиш демократия. Чўнки жамият тараққиётининг энг муҳим омил — бу инсон. Инсон ўлдирилса, жисмонан ёки руҳан азобланса, унинг эркинликларига таъсир этказилса, бунинг таъсири ундагина эмас, балки бутун жамиятда ўз аксини кўрсатади.

Юртбошимиз 1995 йил 23 февраль кўни биринчи қақир Президентимизнинг энг олий мақсадлардан бири — инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг яшаш ҳўкўқини таъминлаш гоёси ил сайин тараққий топиб борди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси учун белгиланган моддалар сони босқичма-босқич қисқартириб келинди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан 1994 йилда бундай моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага, 2003 йил 2 тага камайитрилди. Бу ҳам бўлса жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учунгина қолдирилди, холос.

Президентимиз 2005 йил 28 январь кўни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида эътироф этганидек, суд-ҳўкўқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, ҳўсустан, жазо чоралари тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш — ўтказилаётган суд-ҳўкўқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2005

риқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳўкўқларининг муҳофазаси ва кафолатлари ҳамда яшаш ҳўкўқи ҳақида тўхталиб: «Бугунги кўйин ва зиддиятлик бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда уруш рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда, бегуноҳ одамлар қўрбон бўлиб, сарсон-саргардон қилишар қўпайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда энг олий неъмат — яшаш ҳўкўқи ва оқоийишта ҳаёт кечириб ҳўкўқи тўла таъмин этилган», деб таъкидлаган эди.

Президентимизнинг энг олий мақсадлардан бири — инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг яшаш ҳўкўқини таъминлаш гоёси ил сайин тараққий топиб борди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси учун белгиланган моддалар сони босқичма-босқич қисқартириб келинди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан 1994 йилда бундай моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда 4 тага, 2003 йил 2 тага камайитрилди. Бу ҳам бўлса жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учунгина қолдирилди, холос.

Президентимиз 2005 йил 28 январь кўни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида эътироф этганидек, суд-ҳўкўқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, ҳўсустан, жазо чоралари тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш — ўтказилаётган суд-ҳўкўқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2005

йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон яшаш ҳўкўқини тўлалигича таъминлашнинг янги босқичига пойдевор қўйди. Мамлакатимиз раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги имсонпарвар қарашлари собиқ шўро тузумидан қолган ғайриинсоний сарқиларга барҳам беришнинг энг одилона ва тўғри йўли эди.


2008 йил 1 январдан бошлаб қўчга қирадиган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўкўқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўни нафақат маънавий ва миллий қадриятларимизга, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган инсон ҳўкўқлари бўйича халқаро шартномалар, жумладан Инсон ҳўкўқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳўкўқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва шу Пактга факультатив протокол, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бosh Ассамблеясининг ўлим жазоси қўлланиладиган ҳўкўқларидан қонини қисқартиришга қаратилган резолюцияси талабларига ҳам тўла мувофиқ.

Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳўкўқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳўкўқидир, деб белгилаб қўйилган меъёрлар амалда ҳаётга тўлиқ татбиқ этилганининг исботидир. Хўлоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилингани эзгулик йўлида қўйилган яна бир катта қадам бўлди ва бу яшаш ҳўкўқи дахлдорликнинг амалдаги кафолатидир.

**Абдуқамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

# Банк фаолиятига юксак баҳо

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Moody's Investors Service» халқаро агентлиги рейтинги берилди



«Moody's Investors Service» рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига халқаро кредит рейтингини тақдим этди. Мустақил экспертларнинг рақамлар ва фактларга асосланган баҳоиси бўлган маъзур банк рейтингининг молиявий барқарорлигини белгилайди ҳамда ну-

фузли ташкилот баҳоиси асносида банкнинг тараққиёт тенденциясини кузатиш, хатарларни аниқлаш, ҳамкорлик истиқболларини белгилаш каби имконлар яратаяди.

«Moody's» таърифига кўра: «Ўзмилийбанк рейтингининг ўзининг Ўзбекистонда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ифодалаб турибди. Банк катта активлар, капитал ва кредитлар улушига эга. Мамлакат ва халқаро савдо операцияларига хизмат кўрсатиш учун хорижий сармояларни жалб этиш ва бошқаришда банкнинг мавқеи устун бўлиб, унинг яна бир қатор бошқа муҳим аҳамиятга эга жиҳатлари ҳам эътиборга моликлигидан далолатдир.»

«Ўзмилийбанк» лойиҳаларини молиялаш, универсал тижорат, сармоявий ва жамғарма банклари вазифаларини мақбул тарзда уйғунаштириб бориб, қисқа муддат ичида ўзини барқарор ва жўшқин ривожланиб бораётган профессионал молия муассасаси сифатида намоён этди. Унинг кенг қирралари, фаолияти ва банк хизматларини халқаро андозалар даражасида амалга ошириш имконини берувчи замонавий технологиялари шериклар ҳамда мижозлар сафининг муттасил кўпайиб боришига кўмаклашмоқда. Пировардида, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «The Banker» журналы рейтингининг бўйича дунёда мингта энг йирик банк сафидан жўй олди. Агентлик фикрича, «Ўзбекистонда иқтисодий ва оператив муҳитини ижобий ривожлантириш ҳам маҳаллий ва хорижий валюталар рейтингига ижобий таъсир этиши мўкин...»

# ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ

Сурхондарё вилоятидаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, узоқ йиллардан бўён кўнгли ўқисқ болаларни тарбиялаб келаяётган таҳрибли педагог Муҳаммади Норқўлов оилавий болалар уйини ташкил этди.

12-Меҳрибонлик уйида 118 нафар ўил-қиз таълим-тарбия олмақда. Ўтган йили ушбу муассаса республика меҳрибонлик уйлари ўртасида ўтказилган кўриктанловнинг «Энг яхши иш тажрибасига эга» номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди. Бу йил қайта таъмирдан чиқарилган муассаса қошида саломатлик маркази, бешта янги спорт секцияси ташкил этилди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири**

# Жамғарма фаолиятининг халқаро эътирофи

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Чемпионлар форуми» спорт мажмуасининг барпо этилиши ёш ва умидли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутаяди.

Жамғарманинг таълим, илм-фан, санъат, спорт ривожини йўлидаги ибратли фаолияти, эришаётган муваффақиятлари нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилди. Жамғармага маданият ривожини йўлидаги улкан ҳиссаси, ижод аҳлини доимий қўллаб-қувватлаш ва кўмак кўрсатиш, маданий-маърифий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги катта ҳиссаси учун Пушқин номидаги олтин медалнинг (Россия) топширилгани унинг фаолияти халқаро миқёс-

да тан олинаётганининг яна бир тасдиғидир. Анжуманда Интернетдан фойдаланувчилар, жамғарма мухлисари, унинг хориждаги ҳамкорларидан икки соат ичида бир минг беш юзга яқин савол тушди ва уларнинг барчасига жавоб берилди.

**Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири**

Тадбир

# Осойишталик посбонлари

янги бинога кўчиб ўтишди

Халқимиз тинчлиги ва оқоийишталигини таъминлаш йўлида кечяо кўндуз ҳоловат билмай меҳнат қилаётган, мардлик ва жасорат кўрсатиб, ўз вазифасини шараф билан адо этаётган ички ишлар ходимлари хизматларини қадрлаш, уларга мўносиб шароитлар яратишга аҳолида эътибор берилмоқда.

Кўни кеча Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман Ички ишлар бошқармаси жамоасининг янги бинога кўчиб ўтгани ҳам бу фикрни исботлаб турибди.

Ички ишлар идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлашга катта эътибор берилаяётгани бугунги тадбир ҳам яқоқ кўрсатиб турибди, — дейди Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Лаълиддин Маҳматов. — Давлатимиз гамҳўрлиги тўфайли жамоамиз янги бинога кўчиб ўтди. Ходимларимизга яратилган аҳойиб шароит, хоналарнинг жиҳозланиши, ахборот олиш ва узатиш тармоқларининг сўнгги русуми... буларнинг барчаси ҳўкўқбузарликка қарши курашиш самарадорлигини оширади. Фурсатдан фойдаланиб, биномизни яхши-

лаб таъмирлашда катта ёрдам берган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, қурувчиларга миннатдорчилик билдираман. Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси жамоасининг янги бинога кўчиб ўтишига бағишланган тадбир байрам тўсини олди. Янги бино очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ғайрат Қодиров жамоага енгил автомашина қалитини топширган экан, шундай деди: — Бундан йигирма йил илгари ана шундай шароит яратилган бинога эга бўлишни фақат оруз қилиш мўкин эди. Бугун эса Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳавас қўлғулик меҳнат шароитига эга бўлди. Сизларни қўтлар



Қозим ЎЛМАСОВ олган суратлар.







## Кучлилар аниқланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тўрт кун давомида ўн уч вазн тоифасида уюштирилган бахсларда умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти вакиллари бош совринга сазовор бўлиш-

ди. Мезбонлар ва қорақалпоғистонлик муай-тайчилар кейинги фахрли ўринларни эгаллашди. — Муай-тай мамлакатимизда кейинги йилларда жадал ривожланмоқда, — дейди мусобақа голиби Жамол Салимжонов (45

кг.). — Мусобақалар кўпчилиги айтмайсизми?! Уларда иложи борича, фақат голиблик учун рингга чиқаялман. Самарқандда ўтган бахсларда барча рақибларимни мағлубиятга учратиш, олтин медалга сазовор бўлдим. Ниятим келгусида, албатта, жаҳон чемпиони бўлиш.

Юқори савияда ўтган Ўзбекистон кубоги бахслари доирасида шу йилнинг октябрь ойида Макаода ёпиқ иншоотлардаги спорт турлари бўйича ўтказилган II Осиё ўйинлари, ноябрь ойида Таиландда ўтган жаҳон чемпионати голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Шухрат ҚАРШИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири



Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

## «Самарқанд

## Автотеххизмат»

### Акциядорлик ҳудудий уюшмаси жамоаси

Мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йил барча оилаларга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, файзу барака олиб келсин.

Халқимизнинг азалий қадриятлари — меҳр-мурувват ва оқибат қалбларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ватанимизни ёмон кўзлардан  
Яратганинг ўзи асрасин!**

## БУХОРО ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини, шу жумладан илм-фан соҳасида фаолият юритаётган устозу мураббийларни, олий ва ўрта тиббий таълим ўқув юртлари жамоаларини кириб келаётган*

**Янги 2008 йил — Ёшлар йили  
билан чин юракдан табриклайди!**

Янги йил барчамизга улкан омадлар, бахту шодлик, сиҳат-саломатлик ва қут-барака олиб келсин!

Юртимиз равнақиға ҳисса қўшаётган изланувчан, зукко ёшларимизга муваффақиятлар доимо ёр бўлишини тилаб қоламиз!

## ГАЛАСИЁ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини ҳамда илм-фан соҳасида фаолият юритаётган ҳамкасбларимизни, талабаларни*

**Янги 2008 — Ёшлар йили**

**билан чин дилдан табриклайди!**

Барчамизга Янги йил сиҳат-саломатлик, бахту омад, хонадонимизга тинчлик, дастурхонимизга қут-барака олиб келсин!

Юртимиз фахри, келажагимиз пойдевори бўлган ёшларга ушбу йилда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!



## БУХОРО АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни, фан ва таълим соҳасида фаолият юритаётган барча педагогларни, шу жумладан Бухоро талаба - ёшларини кириб келаётган

**Янги 2008 — Ёшлар йили  
билан самимий муборакбод этади!**

Келаётган йил барчамизнинг хонадонимизга қут-барака, бахт-саодат ва улкан омадлар, ёшларимизга зафарли одимлар олиб келишини тилаб қоламиз.

*Юртимиз келажаги — ёшларни доим қўллаб-қувватлаб,  
ўз билим ва тажрибаларимизни улар билан баҳам  
кўрмоқ, — барчамизнинг фарзли бурчимиз бўлиб қолмай!*

Мамлакатимиз истеъмол бозорида икки йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган

## «COOL UP» савдо белгисига эга «LEADER ASIA TRADING»

хорижий корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни

**Янги йил байрами билан табриклайди!**

Биз Ўзбекистон аҳолиси дастурхонига 2008 йилда ҳам ўзимизнинг ўн турдаги салқин ҳамда маъданли ичимлик сувларимизни тақдим этишдан мамнунмиз.

**Янги йил ҳар бир хонадонга тинчлик,  
сиҳат-саломатлик ва  
бахт-иқбол олиб келсин!**



Hayot lazziatidan  
bahramand bo'!





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ДАВЛАТ-ТИЖОРЯТ

## ХАЛҚ БАНКИ

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини  
Янги 2008 йил – Ёшлар йили билан  
самимий муборакбод этади!

Янги йилда Сиз азизларга соғлиқ, оилангизга бахт-саодат,  
хонадонингизга шоду хуррамлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.  
Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларни қўллаб-  
қувватлаш мақсадида банкнинг микрокредит, ипотека ва  
истеъмол кредитларидан имтиёзли шартлар асосида  
фойдаланишни таклиф этади.

Шунингдек, ёш оила аъзоларига банкнинг «Ёш оила» омонат  
турига ойлик маошларини нақд пулсиз омонатга ўтказиб,  
банкнинг юқори фойзи ҳисобига ўз даромадларини оширишни  
тавсия этади.

«Ёш оила» – сақлаш мuddати 6 ой, фойз даромади ўшлик 24 %  
бошланғич багал камига 100 000 сўм.  
Фойз даромади ҳар ойда  
ҳисобланиб, омонат  
қолдиғига қўшилади.

**Халқ банки –  
сизнинг оилангиз банки!**

### Бу қизик

Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-суғроли»  
унитар корхонасига қарашли иссиқхона бог-  
бонлари аjoyиб тажриба ўтказди. Улар бир  
туп лимон дарахтига апельсин ва мандарин  
қаламчаларини пайванд қилиб, қўзланган нати-  
жага эришди: ҳозир бир дарахтда уч хил мева

### Бир дарахтда уч хил мева

– лимон, апельсин, мандарин пишиб етилди.  
– Бу борада олдин ҳам бир неча марта  
тажриба ўтказганимиз, – дейди иссиқхона иш-  
чиси Тожинур Нормуродова. – Охири тажри-  
ба муваффақиятли чиқди. Эндиликда ходим-  
ларимиз бу тажрибани кенг ёйишга ҳаракат  
қилмоқдалар.

Ушбу иссиқхона 1,3 гектар майдонни эгаллаган  
бўлиб, бу ерда етиштирилаётган лимон, поми-  
дор, бодринг, булғор қалампир каби мева-саб-  
завотлар аҳолининг байрам дастурхонига арзон  
нархларда етказиб берилмоқда.

Ёркул УМАР,  
ЎЗА мухбири

### Қорақалпоғистон Республикаси

#### «Тахиятош нефть база»

#### унитар корхонаси жамоаси

Ватанимизнинг барча фуқароларини, қолаверса,  
Қорақалпоғистонлик миждозларини  
Янги 2008 йил – Ёшлар йили билан  
самимий муборакбод этади.

Янги йилда Сиз азизларга тинчлик-хотиржамлик,  
фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака ва  
оилавий бахт йўлдош бўлсин!  
Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!

**Юртимизда ўзаро тоқувлик,  
ҳамжихатлик қошмо барқарор бўлсин!**




## «БУХОРОПАХТАСАНОАТ»

### ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Барча юртдошларимизни, Республика қишлоқ хўжалиги ва  
пахта саноати ходимларини кириб келаётган

Янги – 2008 йил муносабати билан самимий муборакбод этади!


Янги йил юртимизга тинчлик ва осойишталик,  
фаровонлик ва тўкин-сочинлик, қут-барака олиб келсин!



Мамлакатимизнинг иқтисодий  
таянчи бўлмиш пахтачилик  
соҳаси барқарор ривожланиб,  
муваффақиятлар улуғвор бўлсин!



# «ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ»



**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ЖАМОАСИ**

**Бутун мамлакатимиз аҳлини  
кириб келаётган Янги — 2008 йил билан  
қизғин муборакбод этади!**

*Доноларимиз ҳам «Янги йил бошида ниятингиз чилга ва  
пок бўлса, у йил охиригача татийди» дея  
бежиз таъкидлашмаган.*

*Шундай экан, бизнинг ҳам тилагимиз юртимиз тинч,  
халқимиз омон, қастурхонимиз тўқин бўлсин!*

**«Ёшлар йили» омадлар,  
муваффақиятлар олиб келсин!**

**Иқтисодиёт ва ислохот**

## «Чорвадор» хазинаси

Етти хазинанинг бири — чорвачиликни ривожлантириш давр талабидир. Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам сўнгги йилларда қатор хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилди. Натижада қўзланган мақсадларга эришилди. Воҳада ушқ ҳамда йирик шохли молларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Бу эл дастурхони тўқинлигига хизмат қилиш билан бирга, ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш йўлида муҳим омили бўлаётди. Бу борада тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг алоҳида ҳиссалари бор, албатта.

Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Раҳимдин Шаропов ҳам ана шундай янги замон кишиларидан бири. У ёш бўлишига қарамай, тадбиркорлик билан ўз йўлини топди. Дастлаб «Жалойир» маҳалласидаги ферманни ривожлантирди. Чорва сонини кўпайтирди. Ишнинг кўзини билладиган ёшлар иш билан таъминланди. Йилга бир неча тоннагина сут олинадиган фермада мустақиллик йилларида 250-300 тоннагача маҳсулот етиштиряпти.

Япти. Ундан қатик, қаймоқ, бринза тайёрлаб мижозларга етказилмоқда.


— Чорванинг жони яхши қаровда, — давом этади бош чорвадор Абдураим Узоқов. — Озуқа яхши бўлса, барака келаверади. Қишни талофатсиз ўтказиш учун ўз вақтида 1,5 минг тоннага яқин ем-хашак тайёрланганди. Кўнглимиз хотиржам. Унга яқин техникамиз бор. Муаммолар ўз вақтида ечим топаётми.

...Сурхон воҳаси азалдан ҳисори кўйлари билан машҳур. Бугунги кунда ҳам мазкур соҳа кенг ривожланмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз эса жанубда наслдор молларни кўпайтиришдир.

— Бир кеча-кундузда 500 литр сутни қайта ишлаймиз, — дейди қадоқлаш цехи бошлиғи Эркин Мухторов. — Мижозларимиз миннатдор. Ўтган 2006 йилда барча даромадимиз 400 миллион сўмдан ошганди. Яқунланаётган йилда эса 550 миллион сўм бўлиши кутиляпти. Шунинг 60 миллион сўми соф фойда. 180 гектар майдондаги галла ва пахтадан 300 миллион сўмга яқин даромад олинди. Меҳнат қилган кам бўлмас экан...

Бир сўз билан айтганда «Чорвадор» фермер хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш учун дадил одимламоқда. Бугун юз киши иш билан таъминланган. Хўжалик раҳбари келажакда яна қишлоқ ёшларидан 50 нафарига янги иш ўринлари яратиш ниятида. Бу ҳам дастурхонлар тўқинлиги, эл фаровонлиги, юрт тинчлигига хизмат қилиши шубҳасиз...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.**



**Покистон:  
Беназир Бхутто ўлим топди**

27 декабрь кунки Покистонда муҳолифатдаги Покистон халқ партияси (ПХП) раҳбари, собиқ бош вазир Беназир Бхутто ўлим топди. У Равалькинд шаҳридаги митингга ўз тарафдорлари олдида нутқ сўзлаётган бир пайтда террорчи-камикадзе портлатиш содир қилди. Бхутто шифохонага келтирилганда ҳушсиз эди. Жарроҳлар дарҳол операцияга киришган бўлсалар-да, унинг ҳаётини сақлаб қолишолмади.



54 ёшдаги Беназир Бхуттога айни шундай ҳолатда ҳалок бўлган отаси — ПХП асосчиси Зулфиқор Али Бхутто ва катта аксининг қисмати «насиб» этди.

Бу ҳақда бошида бир-бирига қарама-қарши маълумотлар ҳам тарқалди: гўё Бхутто терактдан бир неча соғина олдин митингдан чиқиб кетган-у, суиқасддан қутулиб улгурган. ПХП вакилларидан бири — Фаратулла Барбарнинг айтишича, Беназир Бхуттонинг қартежи портлаш жойидан 45 метр узоқликда бўлган.

Кейин оммавий ахборот воситаларида Бхуттонинг турмуш ўртоғи Азиф Али Зардорнинг сўзларига таяниб айтилган хабар пайдо бўлди: Бхутто оғир жароҳат олган, шифохонага ўта мушкул ҳолда келтирилган.

Ўлимидан сўнг эса — Бхутто портлаш чоғи жабрланмади, у портлаш юз бергандан сўнг отилди деган хабар тарқалган. Шунга қарамай, Бхуттонинг маслаҳатчиларидан бирининг айтишича, у митингдан чиқиб, машинага ўтираётган кезида кўраги ва бўйнига теккан ўқдан ҳалок бўлган. Шундан сўнг ўқ узган одам ўзини портлатган.

**Усама бин Лоден**

янги видеомурожаат билан чиқди

Дин номидан кўпоровчилик билан шуғулланувчи террорчилар сайтларидан бирида «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти раҳбари Усама бин Лоденнинг янги видеомурожаати берилди, деб хабар қилади Reuters агентлиги.



Унинг нутқи жойланган сайт номи ҳозирча айтилмапти. Янги видеода «биринчи рақамли террорчи»нинг Ироқдаги вазиятга бўлган ўз қарашларини баён қилиши кутиляпти.

Шунингдек, янги видеода Ироқ ҳудудига ҳаракат қилаётган «Ал-Қоида» террорчилари гуруҳи билан боғлиқ маъруза ҳам бўлади. Видеомурожаати аниқ жойлаштириш мuddати ҳозирча айтилмапти.

Сўнгги марта бин Лоден шу йилнинг ноябрь ойи охирида мурожаат билан чиққан эди. Ушанда Катарнинг «Ал-жазира» телеканаллари «Ал-Қоида» раҳбарининг аудиомурожаати эштилганди. Экспертлар трансляция ёзувининг асл нусха эканлигини тасдиқлашган.

**Жорж Бушнинг собиқ  
уйини ёқиб юборишди**

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг болалиги ўтган эски уй номаълум жиноятчилар томонидан ёқиб юборилди, — деган хабар тарқатди Reuters агентлиги. Техас штатининг Одесса шаҳрида жойлашган ва бир қисми Президент музейига айлантирилган мазкур бино ойналари, кийриш эшиклари ва болахона ёнгиндан жиддий шикастланган.

Ёнгин ва ёндиришда шубҳаланганлар ҳамда унинг қай тарзда амалга оширилгани тўғрисида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Ходиса рўй берган жойда жиноятчилар томонидан бирор мактуб қолдирилмаган. Бу — бионининг ёндириб юборилиши ҳеч қандай сиёсий сабабга эга эмаслигини кўрсатмоқда.

Ёнгин уйда Жорж Буш ота-онаси билан ўтган асрнинг 40-йилларида яшаган ва 2004 йилда реставрация қилинганди. Президент музейи маъмури Летти Ингланд уй-музей албатта қайта тикланишини билдирди.


**Италия янги соқчи ракета  
кемаси курди**

Мамлакат ҳарбий денгиз хизмати HORIZON русумли янги Фрегат соқчилик хизматини ўтовчи ҳарбий кема олди, деб ёзади Defense — Агосрае

Кўпинча Эскадрилья миноносси тарзида таърифланган «Андреа Дориа» фрегати сувга 2005 йилда туширилган эди. Икки йил давомида у қайта тақомиллаштирилди ва синовдан ўтди. Кеманинг сув юзи сиғими — 5300/6630 тонна бўлиб, узунлиги 151,6 метр. Соатига йўл босиш тезлиги мил ҳисобида 29 узелга тенг.

«Андреа-Дориа» 76 миллиметрли арт қурлима, 8 та карабелларга қарши «Тезео» ракетаси, зенит автоматлари ва кема-қайиқларга қарши торпедалар билан қуроллантирилган. Бундан ташқари, фрегат кема-қайиқларга қарши вертолёт билан жиҳозланган.

Италия иккита шундай русумли соқчи ракета кемалари қуришни мўлжаллаган. Унинг бири — «Кайо-Дулио» бўлиб, сувга 2007 йилнинг октябрь ойида туширилди. Ҳозир синов мuddатини ўтаётган мазкур Фрегат ҳам 2009 йилда ҳаракатга келиши кутилмоқда.







**«ТРАСТБАНК»**  
**ЖАМОАСИ**

**барча юртдошларимизни Янги — 2008 йил билан муборакбод этади.**

**Янги йил дилларга қувонч ва шодлик олиб кирсин. Эзгу ниятларингиз албатта ушалсин.**

**Осмонимиз мусаффо, хонадонимиз тинч-осойишта бўлсин!**




**ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

*Фан ва таълим соҳасида фаолият юритаётган барча ходимларни ҳамда бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги 2008 йил — Ёшлар йили билан чин юракдан муборакбод этади!*

**Давлатимиз қудратини дунёга танитишда изланувчан, билимли ёшларимизнинг ўрни беқиёс. Шундай экан, яқинлашаётган Ёшлар йилида юртдошларимизга ва ёш авлодга сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар тилаб қоламиз.**




**«БҲХОРОГҲШТ»**  
**масъулияти чекланган жамият жамоаси**

*Ватанимиз равнақи, турмушимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган Ўзбекистон халқини Янги — 2008 йил билан самимий қутлайди.*

**Ёшлар йилида барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди. Тинч-тотувлигимиз, бағрикенглигимиз, ҳамжихатлигимиз, меҳр-оқибат ва саховатимизга асло кўз тегмасин. Осмонимиз ҳамиша мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлишидан, Ўзбекистонимиз равнақ топишидан барчамиз бирдек манфаатдормиз.**

**Яна бир бор Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**



**MAZALI MUZQAYMOQ VA NAPITKALAR!**  
"BUXORO GO SHT" M.Ч.Ж. ШАЙХУЛ - ОЛАМ, 38, ТЕЛ.: 225 39 44, 225 02 75



✓ Спорт

## Журналистлар спорт-санъат шоуси



Пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт мажмуида болалар спорт соҳасини республика оммавий ахборот воситалари кенг ёритиб келаётган журналистлар, мухлислар ва танкили санъаткорлар иштирокида Янги йил олдида ўзига хос спорт-санъат шоуси ўтказилди. Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Машъал» радиоканали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда дастлаб мини футбол баҳслари уюштирилди. Унда даврий нашрларда фаолият кўрсатётган спорт журналистлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мухлислар ҳамда эстрадамиз юлдузларидан ташкил топган туртта жамоа ўзаро куч синашди.

— Ҳамкасбларимиз уртасида

турли сана ва байрамларга бағишлаб ўтаётган бундай мусобақалар журналистлар учун кони фойда. — дейди «Халқ сўзи» газетаси муҳбири Зиёдулла Жонибеков. — Майдонга тушиб тўп суриш кишига нафақат завқ беради, балки тетиклик бағишлаб иш унумини оширади. Ижодий жамоаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириб, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Тадбир якунида 2007 йил давомида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилётган ишларни оммага етказиш, ёш авлод тарбияси тарғиботида катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ журналистлар ташкилчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

✓ Ноқонуний иш — келтирар ташвиш

## Асаббузар ўйинчоқлар

Маълумки, пиротехника воситаларини юртимизга ноқонуний олиб кириш таъқиқланган. Аммо шунга қарамайдан энгил-елпи йўл билан пул топиш илҳижда юрган айрим кимсалар бундай маҳсулотларни яширин равишда чегарадан олиб ўтишга уринмоқда.

Сирдарё вилояти боғжона бошқармаси ходимлари қозғистонлик А.Сағатовнинг қўл юкларини текширувдан ўтказганда, ушбу шахс айланма йўлни бекорга танламагани ошкор бўлди. Лекин «Бузоқнинг югургани сомонхонага» деганларидек, ундан 19800 дона пиротехника воситаси олиб қолинди.

Навоийлик боғжоначилар томонидан Р.Серикбаев бошқарувидаги «Форд» русумли автоуол текширилганда, ун-

дан ҳам анча-мунча пиротехника воситалари чиқди.

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас. Бундай учарлар бир кунги тузоққа тушиши аниқ. Учқўрғонлик И.Ибрагимов ҳам ана шундайлардан бири бўлиб чиқди. У боғжона расмийлаштирувдан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 6000 дона «Тренинг» номи пиротехника воситасини Қирғизистондан олиб келаётганида хушёр боғжоначилар назаридан қочиб кетолмади. Мабодо ушбу маҳсулотлар қўзланган манзилга етказилганида ва сотиб юборилганида борми, кўплаб кўнгилсизликларни юзага келтириши мумкин эди.

Давлат боғжона кўмитаси Матбуот хизмати

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСБИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни кириб келаётган қутлуғ

Янги йил байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Ўтаётган 2007 йил туманимиз аҳли учун жуда омадли ва баракали бўлди. Барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришдик. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 10 миллиард 206 миллион, ғаллачиликдан эса 6 миллиард 631 миллион сўмдан кўпроқ соф даромад олинди. Бошқа соҳаларда ҳам даромаду буромадимиз чакимас. Албатта, бу ютуқларга ерга, мулкка эгалик ҳисси кучайиб бораётгани, деҳқон ўз меҳнатининг самараси ва роҳатини кўраётгани, ташаббускорлик, тадбиркорлик шарофати билан эришилмоқда.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданий-маиший соҳалар ҳам изчил равақ топаётир.

Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди.

Янги 2008 йил — Ёшлар йили янада баракали, қувончли воқеаларга бой бўлсин!

Янги йил ҳаммамизга бахт-саодат,  
тинчлик ва хотиржамлик олиб келсин!



## SIBUR

МАЪБУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни кириб келаётган  
Янги — 2008 йил билан  
чин дилдан муборакбод этади!

Иқтисодийликни ривожига ўзининг самарали меҳнатлари, излашинлари билан

катта ҳисса қўшиб келаётган азиз юртдошларимиз ва ҳалқораларимизга

янгилай-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Янги йилда барчага бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ва сизат-саломатлик ёр бўлин.

«Ёшлар йили»да ҳам кўнглингиздаги  
энг ёрув, эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин!



SARBAST

2008 yilda Sarbast Plus OQ sizga bayramona kashfiyat, mustahkam sog'liq, katta baxt va ishlarinigizda muvaffaqiyatlar tilaydi!

Yangi Yilgiz bilan!

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Turobjon JO'RAYEV  
Feruz NAZIROV  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Norqobil JALIL  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afvor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Nomoz SA'DULLAYEV  
Svetlana GERASIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ  
DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Partiya hayoti  
133-10-13  
Madaniyat va sport  
133-69-45,  
133-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot  
133-20-36,  
133-44-55 (Tel. Faks)  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot  
133-12-56  
Kotibiyat  
133-72-83,  
136-55-17  
Reklama va e'lonlar  
133-38-55,  
133-47-80

VILOYAT  
MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 222-10-92  
Gulistonda — 25-22-32  
Jizzaxda — 5-49-85  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 6-43-43  
Nukusda — 222-70-15  
Samarqandda — 35-20-54  
Urganchda — 226-51-35  
Farg'onada — 26-43-62  
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:  
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Ikromjon ISMOILOV  
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta shebanba, pashanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshlash faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1150

7929 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 01.00

Topshirilgan vaqti — 01.30

1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda